

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР ПРОФЕССИОНАЛ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ПЕДАГОГИК ТАШХИСЛАШ ВА МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Хусанов Фаррух Олтинбоевич**

*Samarqand iqtisodiyot va servis institute Oliy matematika kafedrasida katta o'qituvchisi*

### ARTICLE INFO.

**Таянч сўзлар:** педагогик диагностика, мониторинг, таълим тизими, бўлажак ўқитувчи, натижалар сифати, самарадорлик, профессионал тайёргарлик, касбий маҳорат, коррекциялаш, назорат, баҳолаш.

### Аннотация

Ушбу мақола бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш жараёнининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган. Мақолада таълим жараёнининг бориши, диагностика, назорат, босқичлар, баҳолаш ва муҳим натижалар ҳақида фикр юритилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Педагогика энциклопедиясида эса “**диагностика (ташхислаш)** – (юнонча diagnostikos – аниқлашгақодир) – таълим тизимида ўқитувчи ҳамда ўқувчи фаолиятининг муайян қиррасини ўрганиш мақсадида амалга ошириладиган текшириш жараёни”[2] тарзида талқин қилинган.

Диагностика педагогиканинг бўлими бўлиб, таълим-тарбия жараёнларининг мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари, натижаларининг сифати ва самарадорлиги, педагогик ходимларнинг касбий тайёргарликлари, билим, кўникма, малака ва маҳоратлари, таълим олувчиларнинг ўқув фанларини ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш билан шуғулланади.

Педагогик ташхислаш – ўқитувчиларнинг фаолият тизими бўлиб, у ўқув жараёни ҳолати ва натижаларини текширишдан иборат. Диагностика ўқув жараёнини коррекциялаш имконини беради. Коррекциялашдан кўзда тутиладиган асосий мақсад эса ўқув жараёни сифати ҳамда педагогларнинг касбий малакасини оширишдан иборат. Диагностика таълимий фаолиятнинг таркибий қисми бўлиб, у ўқув жараёнини самарали бошқаришга йўналтирилган.

**Асосий қисм.** Диагностика жараёнида натижалар аниқланади. Диагностика ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари ҳамда таълим жараёнининг боришини назорат қилиш, баҳолаш, маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш имконини беради. Шу билан бир қаторда, янги ютуқларга эришиш усуллари аниқлашга хизмат қилади.

**Диагностика жараёнининг** муҳим босқичи назорат, ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш даражалари, билим, кўникма ва малакаларини кузатиш ҳисобланади. Назорат ўқувчилар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот олиш имконини беради. Ўқув мақсадларига эришишни назарда тутган ҳолда самарали методларни қўллаш жараёни ҳам назорат қилинади. Назорат бир неча турларга бўлинади. Чунончи, олдиндан назорат қилиш, оралик назорат, мавзу доирасидаги назорат, даврий назорат, якуний назорат кабилар. Назорат турли шаклларда амалга оширилади: якка тартибда, гуруҳли ва ёппасига амалга ошириладиган назорат кабилар.

Назоратнинг турли методларидан фойдаланган ҳолда педагогик диагностика шахс таркиби ва унинг ўзига хос жиҳатларини самарали ўрганиш имконини беради. Шахснинг интеллектуал, ижодий лаёқатлари, хотирасининг кўлами, диққатининг ривожланганлик даражаси кабилар.

Тадқиқотчи И.М.Расулов[3]нинг эътирофи этишича, “диагностика” (“ташхислаш”) тушунчаси “илк маротаба тиббиётда қадимги Юнонистонда қўлланилган. Қадимги юнонлар муваффақиятли даволаш учун касаллик ва унинг сабабларини тўғри англаш, бемор организми хусусиятлари, касалликнинг кечиши тавсифидан хабардор бўлиш, турли даво воситаларининг таъсирини билиш ва шу сабабли касалликни даволашдан кўра унга тўғри ташхис қўйиш муҳим эканлигини англашган.

Ижтимоий тараққиётнинг кейинги босқичларида иқтисодий, маданий ўзгаришлар, субъектларнинг ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда “диагностика” тушунчаси турли (техника, иқтисодиёт, психология) соҳаларда ҳам қўлланила бошланди. Айни вақтда ривожланган хорижий давлатларнинг таълим амалиётида психологик диагностика билан бирга педагогик диагностика асосларидан самарали фойдаланилмоқда.

**“Педагогик диагностика”** нисбатан ёш фан бўлиб, жаҳон таълими амалиётида ўзининг мустақил ўрнига эга бўлганига ҳали унчалик кўп вақт бўлмади. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида эса мазкур фаннинг ўқув фани сифатида ўқитилиши борасида дастлабки тажрибалар тўпланган бўлса-да, бироқ ўқитувчилар “Педагогик диагностика”нинг барча имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бўйича бой амалий тажрибаларга эга эмаслар. Шу боис айни вақтда республикамиз таълим муассасаларида фан имкониятларидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигинининг муҳим таркибий қисми бўлган “Педагогик диагностика”нинг тарихида немис олими Карлхайнц Ингенкампнинг алоҳида ўрни бор. Чунки айнан Карлхайнц Ингенкамп 1968 йилда таълим соҳасида “педагогик диагностика” тушунчасини қўллаш ғоясини илгари сурган[4; 16-17-б.]. У “педагогик диагностика” атамасини тиббий диагностика билан таққослаш орқали таклиф қилган.

Педагогик ташхис – аниқ мақсаддан келиб чиққан ҳолда муайян ҳолат бўйича ўрганилувчи шахс фаолиятини кузатиш, текшириш ва баҳолашга оид статистик маълумотларни йиғиш, уларни таҳлил қилиш, динамик ривожланишни аниқлашга қаратилган назорат ёки мониторингнинг таркибий қисми.

“Педагогик ташхис” тушунчаси кўплаб тадқиқотчилар томонидан қуйидагича таърифланади.

О.Е.Пермяковнинг фикрича, педагогик тизимнинг турли элементлари ҳолати ва (унинг барча босқичларида) башорат қилиш, нормал ривожланиш тенденцияларининг бузилишини бартараф этиш учун уларни амалга ошириш шароитларини тавсифловчи белгиларини аниқлаш ва ўрганиш[5; 32-33-б.]; В.С.Аванесов эса таълим ва тарбия натижасини баҳолашда шахснинг маълум бир хусусиятларини аниқлаш учун мўлжалланган педагог ва педагогик жамоаларнинг ўзига хос фаолиятининг тизими тарзида талқин қилган.

М.А.Инназаровнинг таъкидлашича, мақсад, вазифа, ташхис шакллари, методлари, восита ёки жиҳозлари, ташхисни амалга оширувчининг маълумоти, малака даражаси, иш тажрибаси, ташхис мезонлари ва кўрсаткичлари, ташхис босқичлари, ташхис натижалари, коррекцияловчи методика педагогик ташхиснинг муҳим асослари бўлиб, ҳар қандай вазиятда ҳам улар яхлит ҳолда инobatга олиниши зарур[6; 37-б.].

Педагогик ташхислаш ва мониторинг ўз моҳиятига кўра икки мақсадга эришишга хизмат қилади: 1) ўқитувчининг касбий даражасини ўрганувчи метод, воситаларнинг тизими сифатида касбий фаолиятдаги қийинчиликларни ўрганиш, уларни бартараф этишнинг самарали йўллари излаш заруриятини англаш; 2) педагогик фаолиятни ташкил этишнинг индивидуал услубига кўра, ўқитувчининг профессионал кучли томонларини аниқлаш, уларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришнинг аниқ йўллари ва воситаларини аниқлаш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш орқали улар фаолиятини аниқлаштириш, уни амалий вазифаларни ҳал қилишга йўналтириш, касбий компетентлигини такомиллаштириш мумкин. Педагогик ташхислаш ва мониторингнинг асосий мақсадини таълим-тарбия жараёнини коррекциялаш учун ташхис объекти (педагогнинг маълум сифати, касбий малакаси, компетенцияси, ўзлаштириш даражаси, тажрибаси)ни белгиловчи реал кўрсаткич ва

Ўзгариш анъаналари тўғрисидаги тезкор ахборотга эга бўлиш ташкил этади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ҳамда мониторинг қилишдан олинган таҳлил натижалари олий таълим муассасаларида макро ва микросоциумида юзага келган ижтимоий, маданий, иқтисодий вазиятни ўзгартириш кўринишида тезкор таъсир этишни кўзда тутуди. Ўқув жараёни доимий мониторинг ўтказиб кузатиб бориш натижасида ижобий ва салбий ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга таълимнинг умумий стратегиясини сақлаган ҳолда талабалар билимини бир марталик баҳолашдан фарқли амалга оширади.

Педагогик ташхислаш ва мониторинг ижтимоий бошқарув назариясида бошқарув циклининг энг муҳим, нисбатан мустақил бўғинларидан бири сифатида қаралади. Мониторинг бошқарувнинг реал омилига айланиши учун, у фаолиятнинг маълум тизими сифатида ташкил этилган бўлиши керак. Мониторингни ташкил қилиш, мониторингнинг шакл, тур ва усулларининг мукамал бирикувини муайян ўқув-педагогик жараён хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш ва танлаш билан боғлиқ.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш учун олий таълим муассасаларида айрим муаммоларни баргараф этиш зарур:

- бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш жараёнининг етарлича англаб етилмаганлиги;
- профессионал тайёргарлик негизида терминологик аппаратни тизимлаштириш ва умумлаштириш зарурлиги;
- бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш учун муайян шароитларнинг мавжуд эмаслиги;
- республикада бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш тизимини ташкил этишга объектив эҳтиёжлари билан унинг назарий қурилмаси мавжуд эмаслиги ўртасидаги муаммолар.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини мақсадга мувофиқ тарзда педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш учун талабалар таълимга нисбатан замонавий ёндашувларни ўзлаштирган бўлишлари керак.

Мониторинг ижтимоий тараққиётни фаоллаштиришда муҳим омил саналганлиги боис, уни ижтимоий соҳанинг турли жабҳаларига фаол ва кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, мониторинг ўз-ўзини бошқариш органларида аҳолини мақсадли ижтимоий-ҳимоялаш, оилада фарзанд тарбияси, таълим тизимида ўзлаштириш ҳолати ва даражасини аниқлаш каби ишларни оптималлаштиришда муҳим вазифани бажаради.

Педагогик ташхислаш ва мониторинг аҳволни ўрганиш, яхшилаш чораларини аниқлаш, самарадорликни ошириш юзасидан тавсиялар бериш, истиқбол режалари учун таклифлар бериш каби мақсадларда қўлланилади.

Хусусан, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш меъёрий-ҳуқуқий, ўқув-методик, ҳисобот ва ўзлаштириш, педагогик амалиёт натижаларини ўрганиш йўналишларида олиб борилади. Шундан келиб чиқиб бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш тизими қуйидаги функцияларни бажаради:

- информатсион, яъни мониторинг объекти ҳолатини назорат нуқталари ва якуний натижалари билан белгиланган муддатларда (мониторинг жадвали ва дастури асосида) диагностик - истиқболли кузатув;
- ташкилий - фаолиятли, яъни таълим мақсадлари ва уларни амалга ошириш воситалари, бажараётган вазифаларни коррекция қилиш ёки педагогик тизимларни кейинчалик ривожланиши истиқболларини белгилашнинг оптимал йўлини танлаш бўйича даврий равишда мақсадли йиғиш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш;
- истиқболли - педагогик тизимларда содир бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг кейинчалик ривожланишини қисқа муддатли истиқболлини белгилаш;

- назоратловчи - баҳоловчи - амалга оширилган педагогик ҳаракат самарадорлигини ва педагогик тизимнинг якуний мақсадларига тўлиқ эришишни назорат қилиш ҳамда баҳолаш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишда бир қатор принципларга таянилади. Мазкур принциплар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишнинг объективлиги – ташхислаш тестлари ва жараёнларининг мазмун-моҳиятини илмий жиҳатдан асослаш; бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини аниқ, мос равишда ўрнатилган мезонлар асосида аниқланишини таъминлаш.

Амалий жиҳатдан шу нарса аниқки, педагогикташхис ва олиб борилган мониторинг қандай методлар ёрдамида амалга оширилганлигидан қатъий назар объектив характерга эга бўлиши керак. Ўқув жараёнида бўлажак ўқитувчилар томонидан эгалланган профессионал тайёргарлик даражаси ҳамда уларга тақдим этилган ўқув материалларининг ҳажми орасидаги мутаносибликни аниқлаш педагогик ташхислаш ва мониторинг объективлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

2. Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишнинг изчиллиги – педагогик жараённинг барча босқичларида ташхислашга асосланган назоратнинг амалга оширилишида намоён бўлади. Мазкур жараён касбга хос билимларни дастлабки идрок этишдан бошлаб, уни амалда қўллашгача бўлган хатти-ҳаракатларни қамраб олади. Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишнинг тизимлиги аудитория ва аудиториядан ташқари ҳамда педагогик амалиёт жараёнидаги узлуксиз ҳаракатларини ташхислаш ва назорат қилишни назарда тутати.
3. Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишнинг кўргазмалилиги – барча таълим олувчиларни ягона мезон асосида очиқ тарзда синовдан ўтказишни тақозо этади. Ҳар бир таълим олувчининг ташхислаш жараёнида аниқланган рейтинг кўргазмалилик, очиклик характерига эга бўлиб, талабаларнинг касбга хос маълумотларни ўзлаштириш даражаларини ўзаро қиёслаш имконини беради.
4. Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишнинг очиклиги. Ушбу принцип ўқув жараёни натижаларини далиллар ёрдамида асосланишини таъминлашга хизмат қилади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш улар олдида қўйилган талабларни англанишига қўмаклашади.

Бўлажак ўқитувчиларни профессионал тайёргарлигини аниқлаш учун унинг параметрларини аниқлаш лозим. Инсон доимий равишда ўзгарувчан шароитларга қўниқиши, ўзида мужассам бўлган потенциал имкониятларни фаоллаштира билиши лозим. Шу нуқтаи-назардан мукамаллашувчи ижтимоий-муваффақиятли шахснинг модели тузилади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик мониторинг қилишда шахснинг бешта асосий блоклари назарда тутилади: қонун-қоидага буйсуниш; ҳамкорлик қилиш; ижобий “Мен” концепцияси; ирода; рағбат.

Олий таълим муассасаларида олиб борилган педагогик чора-тадбирлар натижасида бўлажак ўқитувчиларнинг учта стратегик сифатларини таркиб топтириш мумкин: қонун-қоидага буйсуниш; ҳамкорлик қилиш; ижобий “Мен” концепцияси.

Хулоса қилиб айтганда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик мониторинг қилиш жараёни қуйидагиларга боғлиқ: бўлажак ўқитувчининг оптимал психик зўриқишларга чидамлилигига; ўқувчилар билим ва қўникмаларини назорат қила олиш малакасини эгаллаганлигига; педагогнинг ирода соҳаси ва унинг “Мен” концепциясига; ечилаётган масала ва ўқувчи ҳамда ўқитувчининг шахси хусусиятлари билан аниқланувчи оптимал педагогик ҳолатга.

Шунга кўра, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини ташхислаш ва педагогик мониторинг қилиш уларнинг потенциалига таянган ҳолда малакали, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашнинг асосий шартларидан бир эканлигига ишонч ҳосил қилинди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-том. / Таҳрир ҳайъати: М.Аминов ва бошқалар. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. –Б.283.
2. Педагогика: энциклопедия. I жилд. жамоа // Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015.320-бет.
3. Расулов И.М. Таълим жараёнида педагогик ташхис тамойилларини қўллаш//<https://cyberleninka.ru/article/n/talim-zharayonida-pedagogik-tashhis-tamoyillarini-llash>
4. Дудина М.М, Хаматнуров Ф.Т. Основы психолого-педагогической диагностики / Учеб.пособие. - Екатеринбург: Изд-во РГПУ, 2016. - 190 с. С.16-17
5. Пермяков О.Е., Менькова С.В. Диагностика формирования профессиональных компетенций. - М.: ФИРО, 2010. - 114 с. С.32-33.
6. Инназаров М.А. Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш технологияларини такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). Пед.ф.б.ф.д. (PhD) дисс. 176 бет. Б.37.